

**ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.03/30.06.2020.Т.111.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ
БУХОРО ФИЛИАЛИ**

ҚЎЧҚОРОВ ЖУРЪАТ ЖАЛИЛОВИЧ

**БАЗАЛИ ТЕКИСЛАГИЧ ДИСКЛИ ЮМШАТКИЧЛАРИНИНГ
ПАРАМЕТРЛАРИНИ АСОСЛАШ**

**05.07.01 – Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация машиналари. Қишлоқ хўжалиги ва
мелиорация ишларини механизациялаш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора
философии (PhD) по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of
philosophy (PhD) on technical sciences**

Қўчқоров Журъат Жалилович

Базали текислагич дискли юмшаткичларининг параметрларини асослаш... 3

Кучкоров Журат Жалилович

Обоснование параметров дискового рыхлительного устройства базового
планировщика..... 19

Kuchkarov Jurat Jalilovich

Substantiate parametres of base leveling disc softners 36

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 40

**ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/30.06.2020.Т.111.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ БУХОРО
ФИЛИАЛИ**

ҚЎЧҚОРОВ ЖУРЪАТ ЖАЛИЛОВИЧ

**БАЗАЛИ ТЕКИСЛАГИЧ ДИСКЛИ ЮМШАТКИЧЛАРИНИНГ
ПАРАМЕТРЛАРИНИ АСОСЛАШ**

**05.07.01 – Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация машиналари. Қишлоқ хўжалиги ва
мелиорация ишларини механизациялаш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ҚАРШИ – 2021

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Т944 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти Бухоро филиалида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.qmii.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот тўғлиқ порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Муродов Нусрат Муртозоевич

техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Тўхтақўзиев Абдусалим

техника фанлари доктори, профессор

Абдурахманов Ўрал Нурматович

техника фанлари номзоди

Етақчи ташкилот:

«ВМКВ-Агromash» АЖ

Диссертация ҳимояси Қарши муҳандислик – иқтисодиёт институти ҳузуридаги PhD.03/30.06.2020.Т.111.02 рақамли илмий кенгашининг 2021 йил «14» Май соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 180100, Қарши, Мустақиллик шох кўчаси, 225-уй. Тел.:(+99875) 221-09-23, факс .(+99875) 224-13-95, E-mail: qmii@qmii.uz, kiei_info@edu.uz

Диссертация билан Қарши муҳандислик – иқтисодиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (5 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 180100, Қарши ш., Мустақиллик шох кўчаси, 225-уй. Тел: (+99875) 221-09-23, факс: (+99875) 224-13-95, e-mail: qmii@qmii.uz, kiei_info@edu.uz

Диссертация автореферати 2021 йил «3» Май кунини тарқатилди.
(2021 йил «1» Май № 5 рақамли реестр баённомаси).



Ф.М.Маматов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Д.Ш.Чуянов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш аъзойи котиби, т.ф.д., доцент

З.Л.Батиров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги семинар раиси, т.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ер текислаш ишларида энергия-ресурстежамкор ва иш унуми юқори бўлган машиналарни қўллаш етакчи ўринни эгалламоқда. «Жаҳон миқёсида турли кишлок хўжалиги экинлари ҳосилини етиштириш учун ҳар йили 1,6 млрд. гектардан ортиқ майдонга ишлов берилиб, текислаш ишлари амалга оширилишини ҳисобга олсак»¹, иш сифати ва унуми юқори ҳамда ёнилғи сарфи кам бўлган ер текислаш машина ва қурилмаларни ишлаб чиқариш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Шу сабабли энергия сарфи кам, текислаш сифати юқори бўлган текислагичларни ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ва улардан ер текислаш ишларида кенг фойдаланишга катта эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда кишлок хўжалик экинларининг уруғларини экиш учун ерларни текислашнинг такомиллашган технологиялари ва уларни амалга оширадиган техника воситаларининг илмий-техникавий асосларини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда ерларни экишга тайёрлаш ишлари бевосита битта агрегатда бажарадиган комбинациялаштирилган машиналарни яратиш, суғориладиган экин майдонларини жорий текислайдиган базали текислагичларни такомиллаштириш, дискли юмшаткичларини янги конструкциясини ишлаб чиқиш, уларнинг технологик иш жараёни ва параметрларини асослаш бўйича мақсадли илмий изланишларни олиб бориш долзарб ҳисобланади.

Республикамиз кишлок хўжалиги ишлаб чиқаришида меҳнат ва энергия сарфини камайтириш, ресурсларни тежаш, суғориладиган экин майдонларини илғор технологиялар асосида текислаш, сифатли кишлок хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва юқори унумли кишлок хўжалик машиналарини ишлаб чиқиш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, жумладан, ерларни текислашда кам меҳнат ва ресурс сарфлаб, технологик жараёнларни сифатли бажарилишини таъминлайдиган техник воситаларни ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...кишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш учун суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, мелиорация ва ирригация объектлари тармоқларини ривожлантириш, кишлок хўжалиги ишлаб чиқариши соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш, унумдорлиги юқори бўлган кишлок хўжалиги техникасидан фойдаланиш»² вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни бажаришда, ерларни текислаш жараёнида, дискли юмшаткичнинг ишлов бериш чуқурлиги бўйича барқарор ҳаракатини таъминлайдиган дискли юмшаткичли базали текислагич яратишнинг илмий-

¹ www.nrcs.usda.gov

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

техник ечимларини ишлаб чиқиш ва ишчи қисмларининг юқори иш сифати ва ресурстежамкорликни таъминлайдиган параметрларини асослаш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармонлари ва 2018 йил 4 январдаги ПҚ-3459-сон «Қишлоқ хўжалигининг техник жиҳозланиш даражасини янада ошириш борасидаги қўшимча чоратadbирлар тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Базали ер текислагичлар ҳамда дискли иш органларига эга бўлган тупроққа ишлов бериш машиналарини яратиш ва уларнинг параметрларини асослаш бўйича X.Li, D.Zang, F.Amran, O.Omafunei, K.Wasfy, H.Harrison, W.Gill, C.Reavers, A.Bailey, диск билан тупроқнинг ишлов бераётган вақтда ўзаро таъсирлашиш жараёнларини ўрганиш бўйича R.Godwin, D.Seig, M.Alfott, M.Alam, J.Balloch, R.Reeder, A.Naim, S.Sulaiman, R.Davies, тупроқ билан дискли иш органлари таъсирлашганда ҳосил бўладиган кучларнинг ўзаро таъсирини ўрганиш бўйича тадқиқотлар Г.Н.Синеоков, В.Ф.Стрелбицкий, Ф.М.Канарев, П.С.Нартов, Г.Теслюк, Е.В. Антонов ва бошқалар томонидан ўтказилган.

Республикамиз шароитида суғориладиган экин майдонларини текислашда ресурстежамкор технологиялар ва уларни амалга оширадиган техника воситаларини ишлаб чиқиш ҳамда такомиллаштириш йўналишида М.А.Ахмеджанов, Н.П.Самсонова, И.П.Братшев, И.А.Бабаджанов, А.Э.Тешабоев, Ф.М.Маматов, А.Тўхтақўзиев, С.П.Чирцов, А.Н.Худоёров, Б.В.Хушвақтов, Ҳ.Т.Қирғизов, А.Р.Нормирзаев, Б.М.Худаяров, М.М.Эргашев, базали ер текислаш машиналарини яратиш ва қўллаш бўйича Г.Н.Ким, П.Г.Ҳикматов, И.С.Ҳасанов ва бошқалар томонидан илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган.

Амалга оширилган тадқиқотлар асосида яратилган машина ва қурилмалар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида муайян ижобий натижаларга эришилган ҳолда қўлланилиб келинмоқда. Аммо, бу тадқиқотларда республикамиз шароитида суғориладиган экин майдонларини жорий текислашда базали текислагичга ўрнатиладиган дискли юмшаткичларнинг иш жараёни ва параметрларини асослаш масалалари етарли даражада тадқиқ этилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти Бухоро филиали илмий-тадқиқот ишлари режасининг КХА-3-023-2015 рақамли “Экин майдонларини жорий текислашда базали текислагичларнинг иш самарадорлигини ошириш” (2015-2017) мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади суғориладиган экин майдонларини жорий текислашда энергия-ресурстежамкорликни таъминлаш, текислаш сифатини ошириш учун базали текислагичга диски юмшаткич ишлаб чиқиш ва унинг параметрларини асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

экин майдонларини жорий текислашда базали текислагич таркибида қўлланиладиган диски юмшаткичнинг конструктив схемасини ишлаб чиқиш;

диски юмшаткични тупроқ билан ўзаро таъсирлашиш жараёнини ифодаловчи аналитик ифодалар олиш ҳамда шулар асосида унинг параметрларини аниқлаш;

диски юмшаткичнинг ишлов бериш чуқурлиги бўйича барқарор ҳаракатини унинг иш кўрсаткичларига таъсирини асослаш;

диски юмшаткич параметрлари ҳамда агрегат ҳаракат тезлигини унинг агротехник ва энергетик кўрсаткичларига таъсирини тадқиқ этиш;

тажрибаларни математик режалаштириш усулини қўллаб диски юмшаткич параметрларининг мақбул қийматларини асослаш;

асосланган параметрларга эга бўлган диски юмшаткич билан жиҳозланган базали текислагич дала синовлари натижаларининг агротехника талабларига мослигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон шароитида суғориладиган далалар тупроғининг физик-механик хоссалари, диски ишчи орган ва унинг ишчи қисмлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети диски юмшаткич ишчи қисмларининг тупроқ билан ўзаро таъсирлашиш жараёнини ифодаловчи аналитик боғланишлар ва математик моделлар ҳамда унинг агротехник ва энергетик иш кўрсаткичларини ишчи қисмларининг параметрлари ва агрегат ҳаракат тезлигига боғлиқ равишда ўзгариш қонуниятларидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида математик статистиканинг қонун ва қоидалари, экспериментларни математик режалаштириш ва тензометрия усуллари ҳамда мавжуд меъёрий ҳужжатлардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ишчи юзалари карама-карши ўнг ва чап сферик диски батареялардан ташкил топган юмшаткичли базали текислагичнинг конструктив схемаси ишлаб чиқилган ва унинг технологик иш жараёни асосланган;

диски юмшаткич дискининг диаметри тупроқни унинг ишчи сирти бўйлаб кўтарилиш шартидан келиб чиққан ҳолда асосланган;

диски юмшаткич дисклари орасидаги кўндаланг ва бўйлама масофалар уларни тупроқ билан таъсирлашиш зоналари ҳамда ҳаракат йўналишига

нисбатан ўрнатилиш бурчагини ҳисобга олган ҳолда сифатли юмшатилиши таъминланган;

дискли юмшаткичлар билан жиҳозланган базали текислагич иш кўрсаткичларининг ўзгариши диск параметрлари ва агрегат ҳаракат тезлигига боғлиқ равишда аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

текисланадиган даланинг юза қатлам тупроғини текислаш учун юмшатиб берадиган дискли юмшаткич билан жиҳозланган экин майдонларини сифатли жорий текислайдиган такомиллаштирилган базали текислагич ишлаб чиқилган;

такомиллаштирилган базали текислагич дискли юмшаткичи параметрларининг мақбул қийматларида ерларни текислаш сифати яхшиланиши ва иш унуми ортиши, меҳнат ва энергия сарфини камайиши аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги изланишларнинг замонавий усуллар ва ўлчаш воситаларидан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, базали текислагичга ўрнатилган дискли юмшаткич параметрларини назарий жиҳатдан асослашда олий математика, назарий механиканинг асосий қоида ва усулларига амал қилинганлиги, назарий ва амалий тадқиқотлар натижаларининг ўзаро адекватлиги, бажарилган тадқиқотлар асосида ишлаб чиқилган дискли юмшаткич билан жиҳозланган базали текислагич дала синовларининг ижобий натижалари ва амалиётга жорий этилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти таклиф этилган математик моделлар ва боғланишларни базали текислагичга ўрнатилган дискли юмшаткич конструкциясини ишлаб чиқиш ва иш органларининг параметрларини аниқлашга асос бўлганлиги ҳамда бошқа шунга ўхшаш қурилмалар параметрларини асослашда фойдаланиш имкони мавжудлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти дискли юмшаткич билан жиҳозланган базали текислагич ерларни жорий текислашда қўлланилганда дала юзасига агротехника талаблари даражасида сифатли ишлов берилиши, ёнилғи-мойлаш материаллари, меҳнат сарфи ва фойдаланиш харажатларини камайтириш ва иш унумини оширишга эришилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Базали текислагичга ўрнатилган дискли юмшаткичнинг параметрларини асослаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

узун базали текислагичга Интеллектуал мулк агентлигининг фойдали моделга патенти олинган («Узун базали текислагич», № FAP 01235, 2017 й.). Натижада экин майдонларини кам энергия сарфлаб, сифатли текислаш имконини берадиган қурилма ишлаб чиқилган.

дискли юмшаткич билан жиҳозланган базали текислагич конструкциясини лойиҳалаш ва ишлаб чиқариш учун дастлабки талаблар ва техник топшириқ ишлаб чиқилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг

2020 йил 7 октябрдаги № 02/023-3206 - сон маълумотномаси). Натижада диски юмшаткич билан жиҳозланган базали текислагич конструкциясини ишлаб чиқиш имкони яратилган;

дала юзасига сифатли ишлов берилишини таъминлайдиган диски юмшаткич билан жиҳозланган базали текислагич Навоий вилояти Қизилтепа ҳамда Бухоро вилояти Вобкент ва Жондор туманлари фермер хўжаликларида жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 7 октябрдаги № 02/023-3206 - сон маълумотномаси). Натижада дала юзасини бир ўтишда агротехник талаблар даражасида текислаш ҳисобига ёнилғи сарфини 20-25% тежаш, иш унумини 1,5 мартагача ошириш таъминланган;

ишлаб чиқилган диски юмшаткич билан жиҳозланган базали текислагичнинг саноат нусхаларини ишлаб чиқиш ва тайёрлаш учун лойиҳа-конструкторлик ҳужжатлари (конструктив схема, техникавий шартлар ва чизмалар) «ВМКВ-Agromash» АЖ да лойиҳалаш жараёнига жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 7 октябрдаги № 02/023-3206 - сон маълумотномаси). Натижада ерларни жорий текислашда қўлланиладиган диски юмшаткич билан жиҳозланган базали текислагични ишлаб чиқариш имкони яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари, жумладан 6 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган. Ишланма 2016 йилда IX Ёшларнинг инновацион лойиҳалари ва технологиялари Республика ярмаркасида намойиш этилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясини докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг 1 та фойдали моделга патенти олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, ишнинг апробация натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Масаланинг қўйилиши ва тадқиқот ишининг мақсади**» деб номланган биринчи бобида ерларни текислашнинг аҳамияти, усуллари ва уларни амалга оширадиган техника воситаларининг таҳлили,

жорий текислашнинг замонавий ривожланган технологиялари ва уларни амалга оширишда қўлланиладиган механизация воситаларининг таҳлили, базали текислагичлар билан экин майдонларини текислаш технологик жараёни, уларнинг конструкциялари ва классификацияси, экин майдонларини экишдан олдин текислайдиган ва зичлайдиган воситалар яратиш бўйича ўтказилган тадқиқотлар шарҳи, дискли иш органлари билан жиҳозланган машиналарни яратиш ҳамда уларнинг параметрларини асослаш бўйича олиб борилган илмий тадқиқот ишлари таҳлил этилган ва улар асосида тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш учун суғориладиган экин майдонларини текислашда ресурстежамкор технологиялар ва уларни амалга оширадиган техника воситаларининг янги илмий-техникавий асосларини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Шу жиҳатдан базали текислагичларга дискли юмшаткичларни ишлаб чиқиш ва параметрларини асослаш махсус тадқиқотларни ўтказишни талаб этади.

Диссертациянинг «Дискли юмшаткич параметрларини назарий




1-расм. Дискли юмшаткичнинг асосий параметрлари

аасослаш» деб номланган иккинчи бобида дискли юмшаткичлар билан жиҳозланган базали текислагичнинг конструктив схемасини ишлаб чиқиш ва унинг параметрларини асослашга доир назарий тадқиқотлар натижалари келтирилган.

Ўтказилган илмий-тадқиқот ишларининг таҳлили асосида базали текислагич дискли юмшаткичининг конструктив схемаси ишлаб чиқилди. У бўйлама балка 1, унга γ бурчак остида маҳкамланган ўнг 2 ва чап 3 ўқлар ҳамда уларга ўрнатилган сферик диск кўринишидаги юмшаткичлар 4 ва 5 дан гашкил топган бўлиб, қуйидагилар унинг энергетик ва агротехник иш кўрсаткичларига таъсир этадиган асосий параметрлари ҳисобланади (1-расм): D - иш органлари (дисклар)нинг диаметри, м; R - иш органларининг эгрилик радиуси, м; α - иш органларининг

ҳаракат йўналишига нисбатан ўрнатилиш бурчаги, градус; γ - иш органлари ўқларининг бўйлама брусга нисбатан ўрнатилиш бурчаги, градус; b - иш органлари орасидаги кўндаланг масофа, м; L - иш органлари орасидаги бўйлама масофа, м; L_γ - иш



2-расм. Иш органининг диаметрини аниқлашга доир схема

органларини ўқ бўйлаб жойлашиш масофаси, м; L_6 - иш органларини текислагич ковшига нисбатан ўрнатилиш масофаси (расмда кўрсатилмаган), м.

Иш органларининг диаметри ва эгрилик радиусини ишлов бериш чуқурлигининг маълум қиймати бўйича 2-расмда келтирилган схемадан фойдаланиб қуйидаги ифодалар орқали аниқланди:

$$D > [2h(1 + \operatorname{tg}^2 \gamma) + d] + \sqrt{[2h(1 + \operatorname{tg}^2 \gamma) + d]^2 - [(2h + d)^2 + 4h^2 \operatorname{tg}^2 \gamma]}; \quad (1)$$

$$R \geq \frac{1}{2 \sin \varphi_3} \{ [2h(1 + \operatorname{tg}^2 \gamma) + d] + \sqrt{[2h(1 + \operatorname{tg}^2 \gamma) + d]^2 - [(2h + d)^2 + 4h^2 \operatorname{tg}^2 \gamma]} \}, \quad (2)$$

бунда h – ишлов бериш чуқурлиги, м; d – дисклар орасига ўрнатиладиган втулканинг диаметри, м; ε – тупрокнинг иш органининг сирти бўйича кўтарилиш бурчаги, градус; φ_3 – иш органининг экваториал кесимида ҳосил бўладиган ёнининг марказий бурчаги, градус.

(1) ва (2) ифода бўйича ўтказилган ҳисоблар асосида дискли юмшаткичга ўрнатиш учун ГОСТ 198-75 бўйича диаметри 51 см ва эгрилик радиуси 60 см бўлган иш органлари(сферик дисклар)ни қабул қилиб оламиз.

Иш органларининг ҳаракат йўналишига нисбатан ўрнатилиш бурчагини ортиши тупрокнинг уваланиш сифатини яхшиланиши, ишлов бериш чуқурлиги ва тортишга қаршилиқни ортишига олиб келади. Шу билан бирга иш органларининг орасига тупрок, йирик кесаклар, бегона ўтлар ва ўсимлик қолдиқларининг тикилиши ва бунинг натижасида қурилма технологик жараёнининг бузилиш эҳтимоли ортади.

Илгари бажарилган тадқиқотларда сферик дискларнинг ҳаракат йўналишига нисбатан ўрнатилиш бурчагининг мақбул қиймати берилган иш шароити ва бажариладиган ишнинг турига қараб тажриба йўли билан аниқланиши ҳамда даланинг юзасини юмшатишда $25-35^\circ$ оралиғида бўлиши таъкидланган. Ушбулардан келиб чиқиб, иш органларининг ҳаракат йўналишига нисбатан ўрнатилиш бурчагини 30° қабул қиламиз. Бунда улар ўқларининг ҳаракат йўналишига нисбатан ўрнатилиш бурчаги 60° бўлади.

Иш органлари орасидаги кўндаланг масофани аниқлаш учун ишлов берилаётган қатлам тўлиқ юмшатилиши шартидан келиб чиқиб қуйидаги ифода олинди

$$b < 2\sqrt{(D-h)h} \sin \alpha + \frac{h \cos(\alpha + \varphi_1)}{\cos \varphi_1 \cos \frac{1}{2} \left(90^\circ - \arccos \frac{\sqrt{R^2 - (0,5D)^2}}{R} + \varphi_1 + \varphi_2 \right)}. \quad (3)$$

бунда φ_1 – тупрокнинг иш органининг ишчи сиртига (металлга) ишқаланиш бурчаги, градус; φ_2 – тупрокнинг тупрокқа ишқаланиш бурчаги, градус.

Иш органлари орасидаги бўйлама ва ўқ бўйлаб жойлашиш масофаларини α ва b ларни маълум қийматлари бўйича аниқлаймиз, яъни:

$$L < 2\left[\sqrt{(D-h)h} \sin \alpha + \frac{h \cos(\alpha + \varphi_1)}{\cos \varphi_1 \cos \frac{1}{2}\left(90^\circ - \arccos \frac{\sqrt{R^2 - (0,5D)^2}}{R} + \varphi_1 + \varphi_2\right)}\right] \operatorname{tg} \alpha \quad (4)$$

ва

$$L_y < 2\left[\sqrt{(D-h)h} \sin \alpha + \frac{h \cos(\alpha + \varphi_1)}{\cos \varphi_1 \cos \frac{1}{2}\left(90^\circ - \arccos \frac{\sqrt{R^2 - (0,5D)^2}}{R} + \varphi_1 + \varphi_2\right)}\right] \frac{1}{\cos \alpha}. \quad (5)$$

$h=0,1$ м; $\alpha=30^\circ$; $\varphi_1=30^\circ$ ва $\varphi_2=40^\circ$ қабул қилиниб (3) – (5) ифодалар бўйича ўтказилган ҳисоблар иш органлари орасидаги кўндаланг ва бўйлама масофалар мос равишда 25 ва 14 см, уларнинг ўқ бўйлаб жойлашиш масофаси 28 см бўлиши лозимлигини кўрсатди.

Демак, ўтказилган назарий тадқиқотларнинг натижалари бўйича дискли юмшаткич иш органларининг, яъни сферик дискларининг диаметри 51 см, эгрилик радиуси 60 см, ҳаракат йўналишига нисбатан ўрнатилиш бурчаги 30° , улар ўрнатилган ўқнинг ҳаракат йўналишига нисбатан ўрнатилиш бурчаги 60° , иш органлари орасидаги бўйлама ва кўндаланг масофалар ҳамда ўқ бўйлаб улар орасидаги масофа мос равишда 25 см, 14 см ва 28 см бўлиши лозим.

Дискли юмшаткичнинг ишлов бериш чуқурлиги бўйича бир текис юриши унинг бўйлама-тик текисликдаги тебранишларининг амплитудаси минимал қийматга эга бўлишлиги шартидан келиб чиқиб тадқиқ этилди.

Берилган иш шароити учун ҳамда дискли юмшаткич текислагич рамаси билан боғловчи тортқининг узунлиги l ва унинг инерция моменти J маълум бўлганда кўрсатилган талаб асосан босим пружиналарининг бикрлигини тўғри танлаш ҳисобига таъминланади.

Диссертациянинг «**Базали ер текислагичга ўрнатилган дискли юмшаткичнинг параметрларини асослаш бўйича тажрибавий тадқиқотларининг натижалари**» деб номланган учинчи бобида ишлаб чиқилган дискли юмшаткич параметрларининг мақбул қийматларини асослаш бўйича ўтказилган экспериментал тадқиқотларнинг натижалари келтирилган.

Экспериментал тадқиқотлар икки босқичда олиб борилди. Биринчи босқичда дискли юмшаткичнинг параметрларини тупрокнинг уваланиш

сифати, дала юзасидаги нотекисликлар баландлиги ҳамда уларнинг тортишга қаршилигига таъсири ўрганилди. Иккинчи босқичда эса тажрибаларни математик режалаштириш усули қўлланилиб, кўп омилли тажрибалар ўтказилди.

Дискли юмшаткичларнинг иш кўрсаткичларини аниқлаш бўйича тажрибалар кузги буғдойдан бўшагандан кейин шудгорланган далада ўтказилди. Тажрибалар ўтказилишидан олдин тупроқнинг 0-5, 5-10 ва 10-20 см қатламлардаги намлиги мос равишда 11,9; 15,0; 17,1 фоиз, қаттиқлиги 0,63; 1,12; 1,71 МПа, зичлиги эса 1,06; 1,16; 1,28 г/см³ ни ташкил этди.

1-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, дискли юмшаткич дисklarининг ҳаракат йўналишига нисбатан ўрнатилиш бурчагини 20° дан 35° гача ортиши ҳар иккала ҳаракат тезлигида ҳам тупроқнинг уваланиш сифати яхшиланишига, яъни ишлов берилган қатламда

1-жадвал

Дискли юмшаткич дисklarининг ҳаракат йўналишига нисбатан ўрнатилиш бурчаги α ни унинг иш кўрсаткичларига таъсири

Дискли юмшаткич дисklarининг ҳаракат йўналишига нисбатан ўрнатилиш бурчаги, град	Тупроқ фракцияларининг улуши, %			Ишлов берилган дала юзасидаги нотекисликларнинг баландлиги, см	Дискли юмшаткичнинг тортишга солиштирма қаршилиги, кН/м
	фракциялар ўлчамлари, мм				
	>50	50-25	<25		
<i>V=6 км/соат</i>					
20	1,8	23,3	74,9	4,48	1,69
25	1,6	21,3	77,1	4,12	1,51
30	1,4	18,8	79,8	3,88	1,27
35	1,1	18,1	80,8	3,72	1,19
40	1,0	17,2	81,8	3,56	1,09
<i>V=8 км/соат</i>					
20	1,5	21,5	77,0	4,60	1,81
25	1,3	19,3	79,4	4,27	1,60
30	1,1	16,1	82,8	3,96	1,47
35	0,7	15,5	83,8	3,84	1,32
40	0,4	15,1	84,5	3,64	1,27


ўлчами 50 мм дан катта фракцияларни камайиши ва ўлчами 25 мм дан кичик фракцияларни ортишига олиб келган. Бунда ишлов берилган дала юзасидаги нотекисликларнинг баландлиги камайган, дискли юмшаткичнинг тортишга қаршилиги эса ортган. Бунинг асосий сабаби шуки, дискли юмшаткич дисklarининг ҳаракат йўналишига нисбатан ўрнатилиш бурчагини ортиши уларни тупроққа кўрсатадиган таъсирини жадаллаштиради ҳамда улар қирқиб оладиган палахсалар кўндаланг кесимларининг юзасини ошишига олиб келади. Бундан ташқари бу бурчак ортиши билан тупроқ палахсалари ён томонга диск сирти бўйлаб янада юқорироқ кўтарилиб улоқтирилади. Бу тупроқнинг қўшимча уваланишига ва бунинг натижасида дала юзаси текис бўлишига олиб келади. $\alpha=20-35^\circ$ оралиғида дискли юмшаткичнинг таъкидланган иш кўрсаткичлари жадал суръатда, $\alpha=35-40^\circ$ оралиқда эса кам

даражада ўзгарди.

Хулоса қилиб айтганда дискли юмшаткич кам энергия сарфлаган ҳолда юқори иш кўрсаткичларини таъминлаши учун унинг дисклари ҳаракат йўналишига нисбатан 25-30° бурчак оралиғида ўрнатилган бўлиши лозим.

3-расмда келтирилган маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, дискли юмшаткич дискларининг орасидаги кўндаланг масофани 15 см дан 35 см гача ўзгариши тупроқнинг уваланиш сифатини ёмонлашувига олиб келган, яъни майда фракциялар миқдори камайиб, йирик кесаклар миқдори ортган. Бунинг сабаби шундаки, иш органлари орасидаги кўндаланг масофа ортиши билан дисклар томонидан ишлов берилган палахсалар кўндаланг кесимлари юзаларининг ортиши туфайли тупроқдан катта кесаклар кўчиши натижасида ўлчами катта фракциялар ортган ва ўлчами кичик фракциялар камайган.

Иш органлари орасидаги кўндаланг масофа ортиши билан ишлов берилган дала юзасидаги нотекисликларнинг баландлиги ортиб борган. Бу



3-расм. Тупроқнинг уваланиш даражаси (а), ишлов берилган дала юзасидаги нотекисликларнинг баландлиги (б) ва дискли юмшаткичнинг тортишга солиштирма қаршилиги (в) ни унинг дисклари орасидаги кўндаланг масофага боғлиқ равишда ўзгариш графикалари

иш органлари орасидаги кўндаланг масофа ортиши натижасида тупроқнинг уваланиш сифати ёмонлашуви билан изоҳланади.

Дискли юмшаткичлар орасидаги кўндаланг масофа ортиши билан қурилманинг тортишга солиштирма қаршилиги олдин камайган, сўнгра ортган. Минимал солиштирма қаршилиқ бу масофа 25 см бўлганда кузатилган.

Хулоса қилиб айтганда, ўтказилган тадқиқот натижалари бўйича базали текислагичнинг дискли юмшаткичлари орасидаги кўндаланг масофа 25 см дан катта бўлмаслиги лозим. Бу олинган натижалар назарий тадқиқотларнинг натижаларига тўлиқ мос келади.

2-жадвалда келтирилганлардан қуйидагиларни таъкидлаш мумкин:

– дискли юмшаткичга бериладиган тик юкланиш ортиши билан ишлов бериш чуқурлиги ортиб борган, уни ўртача квадратик четланиши эса камайган, яъни ишлов бериш чуқурлигининг барқарорлиги яхшиланган. Бунда ишлов бериш чуқурлигининг ортиш ва ўртача квадратик четланишнинг камайиш жадалликлари тик юкланиш ортиши билан камайиб борган.

– дала юзасидаги нотекисликларнинг баландликлари ҳар иккала ҳаракат

тезлигида ҳам тик юкланиш ортиши билан ботиқ парабола қонунияти бўйича олдин камайиб, кейин ортиб борган.

– тупроқнинг уваланиш даражаси юкланиш ортиши билан қабарик парабола қонунияти бўйича олдин ортган, кейин эса камайган, яъни тик юкланиш ортиши билан тупроқ уваланиш даражасининг ортиш жадаллиги аввал ортган кейин эса камайган.

– қурилманинг тортишга солиштирма қаршилиги юкланиш ортиши билан ботиқ парабола қонунияти бўйича олдин секинроқ, кейин эса тезроқ

2-жадвал

Дискли юмшаткичга бериладиган солиштирма тик юкланиш Q ни унинг иш кўрсаткичларига таъсири


Дискли юмшаткичга бериладиган солиштирма тик юкланиш, кН/м	Ишлов бериш чуқурлиги, см		Тупроқ фракцияларининг улуши, %			Ишлов берилган дала юзасидаги нотекисликларнинг баландлиги, см	Дискли юмшаткичнинг тортишга солиштирма қаршилиги, кН/м
			фракциялар ўлчамлари, мм				
	M_{yp}	$\pm\sigma$	>50	50-25	<25		
<i>V=6 км/соат</i>							
0,80	7,8	2,00	2,1	19,4	78,5	5,40	1,22
0,96	8,9	1,60	1,9	16,2	81,9	4,74	1,27
1,12	9,7	1,40	1,7	17,5	80,8	4,24	1,52
1,28	10,2	1,35	1,7	19,5	78,8	4,74	1,84
<i>V=8 км/соат</i>							
0,80	6,7	2,10	1,9	19,0	79,1	5,65	1,33
0,96	7,7	1,75	1,8	15,5	83,7	4,95	1,44
1,12	8,5	1,50	1,1	16,9	82,1	4,50	1,74
1,28	8,9	1,39	0,9	18,9	80,2	5,10	2,07

ортган, яъни тик юкланиш ортиши билан тортишга солиштирма қаршилиқнинг ортиш жадаллиги ортган.

Ушбу келтирилган маълумотлар бўйича базали текислагичнинг дискли юмшаткичи минимал энергия сарфлаган ҳолда юқори иш сифатини таъминлаши учун унга бериладиган тик юкланиш 0,96-1,12 кН/м оралиғида бўлиши лозим.

Тажрибаларда олинган натижалар (4-расм) шуни кўрсатадики, ҳар иккала ҳаракат тезлигида ҳам дискли юмшаткичнинг текислагич ковшига нисбатан ўрнатилиш масофаси ортиши билан тупроқнинг уваланиш сифати яхшиланган, яъни ўлчами 50 мм дан катта бўлган тупроқ фракцияларининг миқдори камайиб, ўлчами 25 мм дан кичик бўлган тупроқ фракциялари миқдори ортган, дала юзасидаги нотекисликларнинг баландликлари ва тортишга солиштирма қаршилиқ камайган. Буни қуйидагича изоҳлаш мумкин: биринчидан шуни таъкидлаш лозимки, дискли юмшаткичларни текислагич ковшига нисбатан ўрнатилиш масофаси 50 ва 75 см бўлганда дискли юмшаткич дисklarини тупроқ билан таъсир вақти камайиши оқибатида текислагич ковши олдида тупроқ уюмининг ҳосил бўлиш ҳоллари кузатилди ва натижада улар текислагич томонидан етарли даражада

майдаланмай ва текисланмай қолди, иккинчидан юмшаткични текислагич ковшига нисбатан ўрнатилиш масофаси ортиши билан унинг дискларини



4-расм. Тупроқнинг уваланиш даражаси (а), ишлов берилган дала юзасидаги нотекисликларнинг баландлиги (б) ва диски юмшаткичнинг тортишга солиштирма қаршилиги (в) ни унинг текислагич ковшига нисбатан ўрнатилиш масофасига боғлиқ равишда ўзгариш графиклари

тупроқ бўлақларига таъсир вақти ортиши натижасида унинг янада майдаланиши ва текисланиши таъминланади.

Дискли юмшаткични текислагич ковшига нисбатан ўрнатилиш масофаси 100 ва 125 см бўлганда ишлов берилган дала юзасидаги нотекисликларнинг баландликлари унга қўйилган талабларга мос келади.

Дискли юмшаткичларнинг назарий ва бир омили экспериментларда ўрганилган параметрларининг мақбул қийматларини аниқлаш учун кўп омили экспериментлар ўтказилди. Бунда баҳолаш мезонларига омилларнинг таъсирини иккинчи даражали полином тўлиқ ёритиб беради деб қаралиб, тажрибалар Хартли-4 режасидан бўйича ўтказилди.

Тадқиқотларни ўтказишда дискли юмшаткичнинг ҳаракат йўналишига нисбатан ўрнатилиш бурчаги, улар орасидаги кўндаланг масофа, дискли юмшаткичларга бериладиган солиштирма тик юкланиш ҳамда агрегатнинг ҳаракат тезлиги унинг сифат ва энергетик иш кўрсаткичларига таъсир этувчи омиллар сифатида танлаб олинди.

3-жадвалда омилларнинг шартли белгиланишлари, вариацияланиш оралиқлари ва сатҳи келтирилган.

Тажриба натижаларига белгиланган тартибда ишлов берилиб, баҳолаш мезонларини адекват ифодаловчи қуйидаги регрессия тенгламалари олинди:

- тупроқнинг уваланиш даражаси бўйича (%)

$$Y_1 = + 83,638 + 3,690 X_1 - 2,347 X_2 - 2,347 X_3 + 3,393 X_4 - 1,255 X_1^2 - 0,242 X_1 X_2 - 0,242 X_1 X_3 + 0,242 X_1 X_4 - 1,005 X_2^2 - 1,005 X_3^2 - 0,805 X_4^2 \quad (6)$$

- ишлов берилган қатлам юзасида ҳосил бўладиган нотекисликларнинг баландлиги бўйича (см)

$$Y_2 = + 1,738 - 0,444 X_1 + 0,473 X_2 + 0,085 X_3 + 0,185 X_4 + 0,139 X_1^2 + 0,004 X_1 X_2 + 0,004 X_1 X_3 - 0,004 X_1 X_4 + 0,159 X_2^2 + 0,022 X_2 X_3 - 0,017 X_2 X_4 + 1,141 X_3^2 - 0,013 X_3 X_4 + 0,018 X_4^2 \quad (7)$$

Регрессия тенгламалари MS Excel ва Planex дастурлари бўйича Y_1 мезон, яъни ўлчами 25 мм дан кичик фракциялар миқдори 80 фоиздан кам бўлмаслиги, Y_2 мезон, яъни ишлов берилган дала юзасидаги нотекисликларнинг баландликлари 5 см дан катта бўлмаслиги ҳамда Y_3 мезон, яъни қурилманинг тортишга қаршилиги минимал қийматга эга

3-жадвал

**Омиллар, уларнинг шартли белгиланиши, вариацияланиш
оралиғи ва сатҳи**

Омилларнинг номланиши	Омилларнинг			Омилларнинг Сатҳи		
	Ўлчов бирлиги	Шартли белгила- ниши	Вариаци яланиш оралиғи	- 1	0	+1
1. Дискли юмшаткичларнинг ҳаракат йўналишига нисбатан ўрнатилиш бурчаги	градус	X_1	5	25	30	35
2. Дискли юмшаткичлар орасидаги кўндаланг масофа	см	X_2	5	20	25	30
3. Дискларга бериладиган солиштирма тик босим кучи	кН/м	X_3	0,16	0,96	1,12	1,28
4. Иш тезлиги	км/соат	X_4	1,0	6,0	7,0	8,0

бўлиши шартларидан ечилиб, 6,0-8,0 км/соат иш тезлиги оралиғида дискли юмшаткич қуйидаги параметрларга эга бўлиши лозимлиги аниқланди: дискли юмшаткич дискларининг ҳаракат йўналишига нисбатан ўрнатилиш бурчаги 27-30°, улар орасидаги кўндаланг масофа 23-25 см ва уларга бериладиган солиштирма тик юкланиш 1,08-1,10 кН/м ни ташкил этади.

Диссертациянинг «**Дискли юмшаткич билан жиҳозланган базали ер текислагич хўжалик синовларининг натижалари ва унинг иқтисодий самарадорлиги**» деб номланган тўртинчи бобида ишлаб чиқилган дискли юмшаткич билан жиҳозланган базали текислагич тажриба нусхасининг қисқача техник тавсифи, дала синовлари натижалари ва унинг иқтисодий самарадорлиги келтирилган.

Синовларда ишлаб чиқилган дискли юмшаткичлар билан жиҳозланган базали ер текислагичнинг тажриба нусхаси белгиланган жараённи ишончли бажарди ва унинг иш кўрсаткичлари унга қўйилган талабларга тўлиқ мос бўлди. Ишлаб чиқилган дискли юмшаткичлар билан жиҳозланган базали текислагичнинг техник иқтисодий кўрсаткичларини аниқлаш бўйича ўтказилган ҳисоблар шуни кўрсатадики, дискли юмшаткичлар билан жиҳозланган базали ер текислагич дон, такрорий ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари етиштириладиган майдонларни экишга тайёрлашда қўлланилганда 1 гектар майдонга сарфланадиган тўғридан-тўғри харажатлар 20,8 фоизга камаяди. Бунда дискли юмшаткич билан жиҳозланган битта базали ер текислагичга йиллик иқтисодий самара 32369268 сўмни ташкил этади.

ХУЛОСА

«Базали текислагич дискли юмшаткичларининг параметрларини асослаш» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Ерларни экишга тайёрлайдиган техник воситалар конструкцияларининг ҳолати ва ривожланиш истиқболи ҳамда уларнинг технологик иш жараёнларини такомиллаштириш бўйича ўтказилган тадқиқотларни ўрганиш шуни кўрсатадики, базали ер текислагич дискли юмшаткич ишлаб чиқиш, унинг конструкцияси ва параметрларини мақбуллаштириш республикамизда дон, такрорий ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари етиштириладиган далаларни экишга тайёлашда унинг иш сифати ва унумини ошириш имконини беради.

2. Базали текислагич дискли юмшаткич дискларининг ўқ бўйлаб жойлашиш масофаси 28 см, уларнинг диаметри 510 мм, эгрилик радиуси эса 600 мм бўлиши ишлов берилган дала юзасидаги нотекисликлар баландлиги рухсат этилган қийматдан катта бўлмаслигини таъминлайди;

3. Дискли юмшаткичлар орасидаги кўндаланг масофани кўпи билан 25 см бўлиши дискли юмшаткич томонидан ишлов берилаётган қатламни кам энергия сарфлаган ҳолда тўлиқ юмшатилишини таъминлайди.

4. Дискли юмшаткичларга бериладиган тик юкланишни 0,96-1,12 кН/м оралиғида бўлиши ерларга талаблар даражасидаги чуқурликда минимал энергия сарфлаган ҳолда ишлов бериш имконини яратади.

5. Дискли юмшаткични текислагич ковшига нисбатан ўрнатилиш масофаси камида 100 см бўлиши ишлов берилаётган тупроқнинг уваланиш ва текисланиш даражаларини талаблар даражасида бўлишини таъминлайди.

6. 6-8 км/соат ҳаракат тезликларида дискли юмшаткич дискларнинг ҳаракат йўналишига нисбатан 27-30° бурчак остида ўрнатилиши ва улар орасидаги кўндаланг масофа 23-25 см ва уларга бериладиган солиштирма тик юкланиш 1,08-1,10 кН/м оралиғида бўлиши кам энергия сарфлаган ҳолда тупроққа белгиланган агротехник талаблар бўйича ишлов бериш имконини беради.

7. Ўтказилган тадқиқотлар асосида ишлаб чиқилган дискли юмшаткич билан жиҳозланган базали текислагични ерларни буғдой ва такрорий экинлар экиш учун тайёрлашда қўллаш амалдаги техника воситаларига нисбатан тупроққа ишлов беришда ҳар бир гектар майдонга сарфланадиган тўғридан-тўғри (эксплуатацион) харажатларни 20,8 фоизга камайтириш ва буни эвазига битта машинадан йилига 32369268 сўм иқтисодий самара олиш имконини беради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.06.2020.Т.111.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ КАРШИНСКОМ ИНЖЕНЕРНО-
ЭКОНОМИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

**БУХАРСКИЙ ФИЛИАЛ ТАШКЕНТСКОГО ИНСТИТУТА
ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО
ХОЗЯЙСТВА**

КУЧКОРОВ ЖУРАТ ЖАЛИЛОВИЧ

**ОБОСНОВАНИЕ ПАРАМЕТРОВ ДИСКОВОГО РЫХЛИТЕЛЬНОГО
УСТРОЙСТВА БАЗОВОГО ПЛАНИРОВЩИКА**

**05.07.01 – Сельскохозяйственные и мелиоративные машины. Механизация
сельскохозяйственных и мелиоративных работ**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ТЕХНИЧЕСКИМ
НАУКАМ**

КАРШИ – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2020.2.PhD/T944.

Диссертация выполнена в Бухарском филиале Ташкентского института инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице www.qmii.uz и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель:

Муродов Нусрат Муртозоевич

доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Тухтакузиев Абдусалим

доктор технических наук, профессор

Абдурахманов Урал Нурматович

кандидат технических наук

Ведущая организация:

АО «ВМКВ-Agromash»

Защита диссертации состоится «14» Мая 2021 г. в 14⁰⁰ часов на заседании Научного совета PhD.03/30.06.2020.T.111.02 при Каршинском инженерно-экономическом институте (Адрес: 180100, г. Карши ул. Мустакиллик, 225. Тел: (+99875) 221-09-23, факс: (+99875) 224-13-95, e-mail: qmii@qmii.uz, kiei_info@edu.uz.)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Каршинского инженерно-экономического института (регистрационный номер 5). Адрес: 180100, г. Карши ул. Мустакиллик, 225. Тел: (+99875) 221-09-23, факс: (+99875) 224-13-95, e-mail: qmii@qmii.uz, kiei_info@edu.uz.)

Автореферат диссертации разослан «3» Мая 2021 года.
(Протокол рассылки № 5 «1» Мая 2021 года).



Ф.М.Маматов

Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, д.т.н., профессор

Д.Ш.Чуянов

Членский секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, д.т.н., доцент

З.Л.Батиров

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению учёных степеней, д.т.н., доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время в мире ведущее место занимает применение энерго-ресурсосберегающих и высокопроизводительных машин для планировки полей. «Если учесть, что на сегодняшний день в мире более 1,6 млрд. гектаров полей обрабатываются перед севом и осуществляется планировочные работы»¹, то одной из важных задач считается разработка земле планировочных машин и орудий с высоким качеством работы и производительностью, а также с минимальными расходами топлива. Вместе с этим, большое внимание уделяется освоению производства менее энергоемких планировщиков с высоким качеством выравнивания и широкому применению их в планировочных работах земель.

В мире ведутся целевые научно-исследовательские работы, направленные на создание усовершенствованных технологий планировки полей для возделывания сельскохозяйственных культур и технических средств для их осуществления. В этом направлении актуальной является осуществление целевых научных исследований по созданию комбинированных машин выполняющие непосредственно в одном агрегате подготовки полей к посеву, усовершенствование базового планировщика для текущей планировки полей, разработке новой конструкции дисковых рыхлителей, обоснование технологических процессов работы и их параметров.

В сельскохозяйственном производстве республики проводятся широкомасштабные мероприятия по уменьшению затрат труда и энергии, сбережению ресурсов, выравниванию поливных посевных полей на основе передовых технологий, разработке и применению высокопроизводительных сельскохозяйственных машин. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы обозначены задачи по «...для модернизации интенсивного развития сельского хозяйства дальнейшее улучшение мелиоративного состояния орошаемых земель, развитие сети мелиоративных и ирригационных объектов, широкое внедрение в сельскохозяйственное производство интенсивных методов, прежде всего современных водо- и ресурсосберегающих агротехнологий, использование высокопроизводительной сельскохозяйственной техники»². При выполнении этих задач важным является техническая и технологическая модернизация планировочных машин для улучшения мелиоративных состояний поливных полей и повышения урожайности, обоснование их параметров, обеспечивающих высокое качество работы, а также энерго- и ресурсосбережение.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит

¹ www.nrcs.usda.gov

² Указ Президента Республики Узбекистан № УП 4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

выполнению задач, предусмотренных в Указах Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», УП-5853 от 23 октября 2019 года «Об утверждении стратегии развития сельского хозяйства Республики Узбекистан на 2020-2030 годы» и в Постановлениях ПП-3459 от 4 января 2018 года «О дополнительных мерах по дальнейшему повышению технической оснащенности сельского хозяйства», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики II. «Энергетика, энергия и ресурсосбережение».

Степень изученности проблемы. По созданию базовых планировщиков и почвообрабатывающих машин с дисковыми рабочими органами, обоснованию их параметров X.Li, D.Zang, F.Amran, O.Omafannei, K.Wasfy, H.Harrison, W.Gill, C.Reavers, A.Bailey, по изучению процессов взаимодействия диска и грунта во время обработки R.Godwin, D.Seig, M.Alfott, M.Alam, J.Balloch, R.Reeder, A.Naim, S.Sulaiman, R.Davies, исследования по изучению взаимодействий сил, образующиеся между дисковым рабочим органом и грунтом Г.Н.Синеоковым, В.Ф.Стрелбицким, Ф.М.Канаревым, П.С.Нартовым, Г.Теслюком, Е.В.Антоновым и другими были проведены исследования в данных областях.

